

Қарзингизни тўланг!



09:01 / 24.08.2025 1338

سَيَنْعَلُ الْبَطْمَ لِقَاقِ مَسْوَهِ عَجَلِ الْعَلَلِ لِيَصِيَّبَنَّ الْعَنْعُ الْعَلَلِ يَضَرَّ عَرِيْرُهُ بِأَنْعَ
عَسْمَ الْعَلَاوَرِ مُطْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бойнинг (зиммасидаги ҳақни) бермай юриши зулмдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Ҳадиси шарифда тилга олинган «ғаний» сўзининг луғатдаги бирламчи маъноси «бой», «беҳожат» деган маъноларга далолат қилади. Аммо, машҳур аллома, ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалонийга кўра, «ғаний» сўзи билан ҳадиси шарифда мутлақ бой кимса назарда тутилмаган балки, гарчи аслида фақир бўлса ҳам ўз қарзини адо этиш имкони бўла туриб,

кечиктириб юривчи кимса ирода қилинган.

Шунга биноан, ҳаракат қилса, қарзини узишга имконияти бор бўла туриб, масалан сотиб, пул қилишга яроқли мулклари бўла туриб, ўзганинг омонатини қайтармай юриш бу зулм экан. Бундай одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳукми ва таърифи билан золим саналар экан. Шу боис ҳам моликий мазҳабининг илк авлоди йирик фақиҳларидан имом Саҳнун ва Асбағ ибн ал-Фаражлар «Кимки, ўзганинг қарзини қайтармай чўзиб юрган бўлса, унинг гувоҳлиги ҳам қабул қилинмайди. Зеро, Набий алайҳиссалом ундай кимсани золим деб атаганлар», деганлар.

رَجَّأُولَ الْيَلِّ لَاقَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَاصَّيَّ بَلَلِ نَعُ، عُنَّ لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنَّ عَ
يَسَّ نَلَّ أَوْ دَمَّ حَأُ وَيَرَأُ جُ بَلَّ أَوْ هَأُورُ. هَتَبُ وَقُ عَّ وَ هَضْرَعُ لَحِّي

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Топганнинг бўйин товлаши унинг обрўсини (тўкишни) ва уқубатини ҳалол қилади», дедилар».

Бухорий, Аҳмад ва Насайлар ривоят қилганлар.

«Обрўсини (тўкишни) ва уқубатини ҳалол қилади» деган сўз Абдуллоҳ ибн Муборак айтганларидек, ундан ўзгаларга шикоят қилиш ва унга нисбатан бетакаллуфлик билан қаттиқ гапиришни ҳалол қилади, деган маънони англатади.

Шунга кўра, ўзганинг омонатини қайтаришни пайсалга солиб юрган кишидан омонат соҳиби бошқаларга шикоят қилса ёхуд унга қаттиқроқ оҳангда гапириб юборса, ҳалиги пайсалга солувчи кимса асло хафа бўлмаслиги лозим.

Аллоҳ таоло Ўз каломида шундай марҳамат қилади:

﴿إِلْحْسَنُ إِلَّا إِلْحْسَنُ جَزَاءُ هَلْ﴾

«Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир»

(Раҳмон сураси, 60-оят).

Яхшилик ва эҳсон бу дунёда ҳам, кишилар ўртасида ҳам фақат яхшилик ва эҳсон билан қарши олиниши лозимлигига нозик ишоралардир.

мол-давлатларига талафот етказди ва ризқларидан баракани суғуриб олади. Бошлари бало ва мусибатдан, муаммолардан чиқмай қолади. Негаки, ундай кимсалар яхшиликни ёмонлик билан қарши олаётганлари жиҳатидан Аллоҳга қарши бош кўтарган, Унга қарши муборазага журъат қилган кимсаларга айландилар. Аллоҳ эса доим Ўзига қарши уруш очганларни нобуд қилган ва талафотга йўлиқтирган. Бу Унинг ўзгармас суннатидир.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 22 июлдаги 03-07/4389-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.